

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**24-сон**  
**(84)**  
**2003 й.**  
**декабрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

236. «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ–3366-сон Фармони
237. «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми-ни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 декабрдаги ПФ–3367-сон Фармони
238. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 27 майдаги ПФ–2323-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 25 декабрдаги ПФ–3371-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

239. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 декабрдаги 560-сон қарори
240. «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми-ни такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрдаги 563-сон қарори

241. «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарори [Кўчирма]
242. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 декабрдаги 572-сон қарори
243. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 декабрдаги 573-сон қарори
- 2003 йил учун алфавит-предмет кўрсаткич

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **236** Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Бозор ислохотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жория этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига қўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топишириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

2. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига қўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилансинки, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон фармойиши билан тузилган маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси «Ўзмашсаноат»ни;

«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини;

Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси «Ўзбектрансқурилиш»ни;

Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металллар ва олтин давлат концерни «Қизилқумнодирметаллолтин»ни;

«Махсуқотишма» республика ташкилотини;

функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Шойи» акциядорлик компаниясини;

функцияларини «Ўзбек ипаги» уюшмасига топширган ҳолда «Пилла холдинг» компаниясини тугатиш;

б) ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ҳамда қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари «Озиқовқат-саноат» уюшмаси негизида ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасини ташкил қилиш;

в) Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси этиб;

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмасини «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўзагромашсервис» уюшмасини «Ўзагромашсервис» акциядорлик компанияси этиб;

«Дори-дармон» давлат-акциядорлик уюшмасини «Дори-дармон» акциядорлик компанияси этиб;

Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концернини «Ўзфарм-саноат» уюшмаси этиб;

Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат-акциядорлик уюшмасини «Ўзгўштсут-саноат» уюшмаси этиб;

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзқишлоқхўжаликкимё» уюшмаси этиб;

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясини «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси этиб қайта ташкил қилиш.

5. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийтни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов):

бир ой муддатда мазкур Фармонда кўзда тутилган хўжалик бирлашмаларини тугатиш бўйича ташкилий тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг ташкилий тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун график ишлаб чиқсин ҳамда босқичма-босқич тақдим этсин.

6. Акциядорлик компаниялари, уюшмалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда иқтисодийтни эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига, ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ уч ой муддатда ўзларининг бошқарув ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар, шунингдек ўз Низомларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

7. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийтни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини қисқартириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни акциядорлик компаниялари ва уюшмалари-

нинг бошқаруви ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худойбергенов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 22 декабрь,  
ПФ-3366-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **237 Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш, кредит ресурсларини шакллантириш манбаларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди» (Бизнес-фонд) акциядорлик жамияти ва «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки муассисларининг қўйидаги таклифи қабул қилинсин:

Бизнес-фондни қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

Бизнес-фонднинг 2004 йил 1 январдаги ҳолатига кўра кредит ресурслари қолдиқларини «Тадбиркор» АТБга топшириш.

2. Белгилансинки, Бизнес-фонд томонидан «Тадбиркор» АТБга топшириладиган маблағлар кичик ва хусусий тадбиркорлик объектларига қўйидаги мақсадлар учун кредит ресурслар тарзида ажратилади:

ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналар ва янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларининг дастлабки (бошланғич) капиталини шакллантириш;

«Тадбиркор» АТБ ҳамда лизинг компаниялар ўртасида тузилган бош битимларга мувофиқ кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун техника ва ускуналар лизинги;

«Тадбиркор» АТБ мазкур кредит ресурсларини тижорат банклари ва лизинг компанияларига муддатли, тўловли ва сўзсиз қайтариш шarti билан берсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб илгари Бизнес-фонд ресурсларини шакллантиришга ажратилган маблағлар:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар — 1991 йилга қадар кўрилган кўп хонали турар жой биноларини капитал таъмирлашни, шунингдек умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача тарбия болалар муассасаларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади;

Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасидан — янги иш жойларини яратиш лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари воситасида кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш орқали Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси дастурларини молиялашга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш ҳақида» 1995 йил 26 июлдаги ПФ–1208-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидага таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармон ижроси юзасидан қарор қабул қилсин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2003 йил 23 декабрь,  
ПФ–3367-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **238** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 27 майдаги ПФ–2323-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

«Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги 569–II-сон қарорига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 27 майдаги ПФ–2323-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2003 йил 25 декабрь,  
ПФ–3371-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **239** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорининг 8-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 23 декабрь,  
560-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 23 декабрдаги 560-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги касб фаолияти тўғрисида» 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши ва ушбу қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 11-модда) 1-иловада «Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги» графасидан кейин «Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар» графаси қўшилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда):

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

1) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида Низомнинг (қарорга 1-илова) 14-бандига :

а) қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюрлар»;

б) учинчи — ўн биринчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи — ўн иккинчи хатбоши ҳисоблансин;

2) қарорга 3-илованинг 13-бандидаги 3-кичик банд чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорига 7-илованинг 1.1-бандидаги «а» кичик банддан «ва 1-банднинг иккинчи хатбошидаги» сўзлари чиқариб ташлансин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **240 Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш тизимини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди» акциядорлик жамияти («Бизнес-фонд») муассислари билан биргаликда икки ой муддатда «Бизнес-фонд» акциядорлик жамиятини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилишини, шунингдек кредит ресурслари қолдиғи 2004 йил 1 январдаги ҳолатига кўра «Бизнес-фонд» акциядорлик жамияти балансидан «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки балансига берилишини таъминласин.

2. Белгилансинки, «Бизнес-фонд» акциядорлик жамиятидан «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банкига берилган кредит ресурсларини жамлаш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банкининг алоҳида махсус ҳисоб рақамида юритилади.

3. 2004 йил 1 январдан бошлаб «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банкига: тадбиркорлик субъектлари учун «Бизнес-фонд» томонидан тижорат банкларига ажратилган давлат активлари ва муддатли кредитлар (қарз мажбуриятлари);

1998 йил сентябрь ойигача берилган кредитлар бўйича «Бизнес-фонд» қарзларини, шунингдек қайтариш бошланган муддатларда техника ва асбоб-ускуналар лизингига оид қарзларни ундириш ва қайтариш бўйича Ўзбекистон Республикаси



Давлат мулки қўмитаси ҳамда Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг молиявий агенти функцияси юклансин.

«Бизнес-фонд» акциядорлик жамияти 1998 йил сентябрь ойигача берилган қайтарилишига ишонч бўлмаган кредитларни ўз фойдаси ва захира жамғарма ҳисобидан қайтариш тўғрисида қарор қабул қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, қайтариш асосида «Бизнес-фонд»га ажратилган кредит ресурслари бўйича шартномаларни «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки билан қайта тузсин;

қарз олувчилар томонидан «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки билан 1998 йил сентябргача берилган «Бизнес-фонд» кредитлари ҳамда техника ва асбоб-ускуналар лизинги бўйича шартномаларнинг қайта тузилишини таъминласин;

«Бизнес-фонд» ҳаммуассиси ҳисобланадиган корхоналарнинг устав фондларидаги «Бизнес-фонд» улушларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотишни ёки тижорат банклари орқали имтиёзли кредитларга қайта расмийлаштиришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин;

Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кредит линиялари ҳисобига кичик тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди («Бизнес-фонд»)ни ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1995 йил 26 июлдаги 291-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 7-сон, 24-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 декабрь,  
563-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 24 декабрдаги 563-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1996 йил 16 апрелдаги 151-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 4-сон, 12-модда) «б» банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш-ни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) 4-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибиди:

3-банднинг учинчи хатбоши, 26-банд ва 27-банднинг еттинчи хатбоши 2004 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 27-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «15 фоиз» сўзлари «30 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-бандга қуйидаги мазмундаги «а» кичик банд қўшилсин:

«а) маблағларнинг 50 фоизи 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини тўлиқ таъмирлашни, шунингдек умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларини тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга йўналтирилади»;

«а» ва «б» кичик бандлари тегишли равишда «б» ва «в» кичик бандлари ҳисоблансин;

«б» кичик бандидаги «50 фоиз» рақами «25 фоиз» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **241 Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида**

### **[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 553–II-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ 2004 йил учун: юридик шахслардан даромад (фойда) солиғи ставкалари 3-иловага\* мувофиқ;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромаддан солиқ ставкалари 4-иловага\* мувофиқ;

солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкалари 5-иловага\* мувофиқ;

лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари 6-иловага\* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкалари 7-иловага\* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича белгиланган солиқлар ставкалари ҳамда уларга тузатувчи коэффициентлар 8 ва 9-иловаларга\* мувофиқ;

рўйхат бўйича ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган товарлардан акциз солиғи ставкалари 10-1, 10-2-иловаларга\* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 11-иловага\* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 12-иловага\* мувофиқ;

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 13-иловага\* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 14-иловага\* мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 15-иловага\* мувофиқ;

ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган тўловчилар учун ер солиғи ставкалари 16-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 17-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2004 йил 1 январдан бошлаб автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташувчи жисмоний шахслар учун белгиланган чекланган солиқ жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситаларини ижарага бериш, шу жумладан бирлашмалар, уюшмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ижарага беришдан оладиган даромадларига жорий этилсин, улар тегишли равишда ижара тўлови суммасидан даромад солиғи тўлашдан озод қилинсин.

5. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликлари 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи тўлашга ўтказилсин.

6. 2004 йил 1 январдан бошлаб Самарқанд ва Тошкент вилоятлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда, тажриба тариқасида, 18-иловага\* мувофиқ ставкалар бўйича ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2004 йил 1 апрелгача Самарқанд ва Тошкент вилоятлари барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қийматини 2004 йил 1 январдаги ҳолатига кўра қайта баҳолаш ишларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларининг қайта баҳоланган норматив қийматини ягона ер солиғини

---

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилди.

ҳисоблаб чиқиш учун кўрсатиб ўтилган вилоятларнинг барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қийматини қайта баҳолаш натижаларига кўра, зарурият бўлганда, ягона ер солиғининг белгиланган ставкаларига тузатишлар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. 2004 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғи бўйича аванс тўловлари бекор қилинсин, ушбу солиқни амалдаги айланма бўйича ҳар ойда бир марта тўлаш назарда тутилсин;

«ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган автомобилларни республикадан олиб кетувчи жисмоний ва юридик шахслардан йиғим бекор қилинсин.

8. 2004 йил 1 январдан бошлаб:

фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш билан бирга ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;

меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғуртага мажбурий бадаллар тўлаш ўрнига, мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 19-иловага\* мувофиқ миқдорда ягона ижтимоий тўлов жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ягона ижтимоий тўлов давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ижтимоий суғуртага мажбурий бадалларни амалдаги ставкалар бўйича тўлашнинг амалдаги тартиби:

ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишлаётган ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар;

«SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси учун сақлаб қолинсин.

Белгилаб қўйилсинки, адвокатлик бюrolари, хайъатлари ва фирмалари ижтимоий суғуртага меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фоиз миқдорида бадал тўлайдилар.

10. 2004 йилда:

барча солиқ солинадиган айланмалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш (товар айланмаси) ҳажмидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда, 0,7 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг иш ҳақидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 2,5 фоиз миқдорида сақлаб қолинсин.

11. 2004 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 20, 21-иловаларга\* мувофиқ белгилансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 27-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва

---

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилди.

идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илгари чиқарилган норматив ҳужжатларини бир ҳафта муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 25 декабрь,  
567-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига  
26-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 январдан бошлаб ўз қучини йўқотадиган қарорлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида» 1992 йил 6 апрелдаги 170-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 4-сон, 10-модда; 1994 й., 1-сон, 1-модда) 10-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 24 июндаги 313-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 33-модда) 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарорининг 3-банди, 8-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбоши ҳамда қарорга 3-20-иловалар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 29 апрелдаги 196-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 33-модда) 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 123-модда) 2-илова 4-бандининг иккинчи хатбоши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига  
27-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига:

2-илованинг II, III бўлимлари ва IV бўлимнинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«Божлар, йиғимлар ва бошқа солиқ бўлмаган тўловларни тўлашдан тушган валюта тушумларини тақсимлаш» жадвалида:

10 ва 15-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

12-банддаги «хорижий банкларнинг ваколатхоналарини аккредитация қилишга» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида низом 9-бандининг ўн олтинчи хатбошидаги «хўжалик субъектларидан» сўзларидан кейин «0,07 фоиз миқдорига» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техник жиҳатдан таъминланганлиги даражасини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 20 августдаги 410-сон қарорига:

5-банднинг бешинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 562-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 11-12-сон, 40-модда) 1-бандидаги «1998 йилда сақлаб қолинсин» сўзлари «белгилансин» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда; 1999 й., 11-сон, 64-модда; 2000 й., 8-сон, 45-модда; 2001 й., 6-сон, 34-модда; 2002 й., 7-сон, 41-модда, 9-сон, 53-модда; 2003 й., 6-сон, 45-модда) билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибида:

а) I бўлимда:

5-бандга қуйидаги мазмундаги гап қўшилсин:

«Бунда ушбу корхоналарга экспорт қилувчи корхоналар учун мулк солиғи бўйича берилган имтиёзлар татбиқ этилмайди»;

6-банддаги «бюджетдан ташқари фондларга» сўзлари «давлат мақсадли фондларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) II бўлимда:

2-банддаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «юридик шахслар бўлмаган ваколатхоналар ва филиалларда» сўзлари «шўъба корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда акциз солиғини ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашган тақдирда ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин».

в) III бўлимнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«дивидендлар тарзида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав капитали (фонди)га йўналтирилган даромадлар».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Магнум» ҳайдов тракторларини жиҳозлаш учун плуглар харид қилиш тўғрисида» 1998 йил 31 июлдаги 326-сон қарорида:

1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

иловадаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда; 2003 й., 6-сон, 44-модда, 45-модда; 10-сон, 96-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

а) 1.15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.15. Ижарага берганлик, хизматлар кўрсатилганлиги, маълумотлар узатишганлиги учун алоқа узелларига тўлов (кўчма, йўлдош, пейжинг алоқаси, радиочастоталар ижараси, ажратилган каналлар, маълумотларни узатишнинг симли ва симсиз тармоқлари), АТС ва Интернетдан ташқари»;

б) қуйидаги мазмундаги 1.21-1-банд қўшилсин:

«1.21-1. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва унга чиқиндиларни жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча компенсация тўловлари».

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ўриш-йиғиш комбайнлари ва ҳайдов агрегатларини харид қилиш тўғрисида» 1999 йил 2 апрелдаги 152-сон қарорининг 3-бандида:

биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Кейс» дон ўриш-йиғиш комбайнларини харид қилиш тўғрисида» 1999 йил 12 майдаги 235-сон қарорининг 4-бандида:

биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқариш синовлари учун шудгорлаш агрегатлари харид қилиш тўғрисида» 1999 йил 19 июлдаги 351-сон қарорида:

3-банддаги «Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг» сўзлари «республика бюджетининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловадаги «Қашқадарё вилоятининг» сўзлари «республика бюджетининг» сўзлари билан алмаштирилсин.



11. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 сентябрдаги 431-ф-сон фармойишининг 4-банди учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қозоғистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига кирган ёки Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига чиққан ҳолда олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилган ҳолда бевосита божхона постларида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бўлимлари томонидан эркин муомаладаги валютада амалга оширилади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Туркменистоннинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва транзит ҳаракатланганлиги учун йўл йиғимлари жорий этиш тўғрисида» 1999 йил 28 сентябрдаги 447-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 59-модда) 2-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, Туркменистоннинг автотранспорт воситаларидан йиғим ундириш, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилган ҳолда бевосита божхона постларида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бўлимлари томонидан эркин муомаладаги валютада амалга оширилади».

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чегарадош давлатларнинг юк автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди орқали ўтиши учун ягона йиғимлар белгилаш тўғрисида» 1999 йил 31 декабрдаги 552-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 12-сон, 72-модда; 2000 й., 2-сон, 8-модда, 10-сон, 65-модда) 3-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қирғизистон Республикаси юк автотранспорти воситалари ва автобусларидан тўловлар бевосита божхона постларида ундирилади, олинган маблағлар тижорат банклари бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 январдаги 16-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни капитал таъмирлаш учун маблағлар тўплаш (йиғиш) ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Вақтинчалик низомнинг 2-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Мазкур банднинг амал қилиши 1991 йилгача қурилган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган турар жойларнинг аниқ рўйхатлари асосида бюджет маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини ва турар жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини мукамал таъмирлашга жорий этилмайди».

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ўриш-йиғиш комбайнлари ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш тўғрисида» 2000 йил 12 майдаги 186-сон қарорининг 3-бандида: биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари» сўзлари «республика бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин; иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон Республикаси юк автотранспорт воситалари ва автобусларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали ўтганлиги учун йиғимларни бирхиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 8 январдаги 11-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 3-модда) 2-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, Тожикистоннинг автотранспорт воситаларидан йи-



ғим ундириш олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилган ҳолда бевосита божхона постларида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бўлимлари томонидан эркин муомаладаги валютада амалга оширилади».

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарори билан тасдиқланган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурида:

а) 4-бўлимнинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Дастурнинг асосий бўлимларини молиялаштириш учун маблағларни хорижий банклар, операторлар, провайдерларнинг кредитлари, шунингдек ички ва ташқи инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобига жалб этиш мўлжалланмоқда. Бунда коллежлар, лицейлар ва умумтаълим мактабларини компьютерлар билан жиҳозлаш харажатларини (камида бир мингта компьютер синфлари ташкил этиш бўйича ҳар йилги эҳтиёжни қондиришни ҳисобга олган ҳолда): харажатларнинг 30 фоизини — беғараз грантларни босқичма-босқич жалб этиш ҳисобига ва 70 фоизгачасини ушбу мақсадлар учун назарда тутилган давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга ошириш мўлжалланмоқда, олий ўқув юртлари бўйича эса асосан беғараз грантлар ва олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари ушбу харажатларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади».

б) 8-иловадаги изоҳ\*\*га «асосан беғараз грантлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ушбу харажатларни молиялаштириш манбалари ҳисобланадиган олий ўқув юртларидан ташқари» сўзлари қўшилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 апрелдаги 217-ф-сон фармойиши 3-бандининг иккинчи хатбошидан «божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой ўтгандан кейин акциз солиғи тўлаган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 7-бандда:

«а» кичик бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Агар хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча турлари билан шуғулланса, у ҳолда у алоҳида ҳисоб юритиши ва тўловларни фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак»;

«е» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказилган тақдирда харид қилинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган енгил автомобиль ёки бошқа автотранспорт воситалари (юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар) нархидан келиб чиқиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ушбу маблағларнинг харидорлари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган сотиб олинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган автотранспорт воситалари қийматидан тўланадиган йиғимлар ҳисобига шакллантирилади.

Йиғимлар бевосита харидорлар (фойдаланувчилар) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан Жамғарманинг автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича хизмат кўрсатувчи туман (шаҳар) солиқ инспекцияларининг тегишли банкларда очилган тегишли транзит ҳисоб рақамларига тўланади.

Автотранспорт воситаларини сотиб олишга ёки қайта сотишга ва вақтинча олиб чиқиб кетишга йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат кўрсатилмасдан автотран-

спорт воситалари рўйхатдан ўтказилмайди, қайта рўйхатдан ўтказилмайди ёки техник кўриқдан ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиладиган, сотиб олинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган автотранспорт воситалари қийматидан йиғимлар суммаси тўловчи (фойдаланувчи) корхоналар томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибига, бюджет ташкилотлари томонидан эса — таъминот сарф-харажатлари сметасига киритилади»;

«ж» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 26-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Тўловчилар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича солиқ органларига Жамғармага маблағ ажратилиши бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва худди шу ойнинг 20-қунигача тўланиши керак бўлган тўловларни Жамғармага ўтказадилар. Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси солиқ органларининг ортиқча тўлаганлик тўғрисидаги хулосаси бўйича, тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бўлажак тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки Республика йўл жамғармаси томонидан тўловчига қайтарилади»;

в) 27-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Хўжалик юритувчи субъектлар таркибига кирадиган, юридик шахслар бўлмаган таркибий бўлинмалар Жамғармага ажратмаларни туман (шаҳар)лар солиқ инспекцияларининг транзит ҳисоб рақамларига ўтказадилар, уларга бюджетга ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар»;

г) 29-банднинг еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси»;

д) 30-банднинг учинчи ва бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 31-бандда:

учинчи хатбошига «шунингдек ҳада шартномаси асосида яқин қариндошлардан (ота-оналар, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр, хотин) автомобиллар ва мототаравачалар олувчи фуқаролар» сўзлари қўшилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобиль олган юридик шахслар — болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, кексалар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек давлат бюджетидан таъминланадиган тиббиёт муассасалари»;

«автотранспорт воситалари балансдан балансга беғараз берилган ҳолларда юридик шахслар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 242 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматбаҳо металллар харид қилиш, сақлаш ва сотиш тизimini такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 31 октябрдаги ПФ-3346-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 26 декабрь,  
572-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 26 декабрдаги 572-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида низомда:

а) 9-бандда:

охирги хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда қимматбаҳо металллар бозорининг аҳолини таҳлил қилади»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ички истеъмол қилиш ва экспорт қилиш прогнозлари ҳамда балансларини ишлаб чиқишда қатнашади»;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги томонидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан харид қилинадиган маҳсулотлар нархларини белгилаш ҳамда давлат томонидан харид қилинадиган қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби бўйича таклифлар ишлаб чиқади»;

б) 10-банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 январдаги 36-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 9-модда) 1-илованинг 22-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо буюмлар хазинасига» сўзлари «Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари

рини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) 1-илованинг 92-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги, 106-бандидаги, 118-банди бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг» сўзлари «Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Асиллик даражаси тўлови ва асиллик даражаси тўловини тўлаш тартиби тўғрисида» 2003 йил 27 майдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 42-модда) 2-илованинг 14-бандидаги «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **243** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 21 октябрдаги 460-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 26 декабрь,  
573-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 26 декабрдаги 573-сон қарорига  
ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1998 йил 15 декабрдаги 523-сон қарорида:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

а) 9-бандда «Ўзгеонефтьгазқазибчиқариш», «Ўзнефтьгазқурилиш», «Ўзнефтьмаҳсулот», «Ўзнефтьникайтилаш», «Ўзтрансгаз», «Ўзбурғу-нефтьгаз», «Ўзнефтьгазишчитаъминот» сўзлари «Ўзгеобурғунефтьгазқазибчиқариш», «Ўзнефтьмаҳсулот», «Ўзтрансгаз» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг иккинчи хатбошида «Ўзгеонефтьгазқазибчиқариш» ва «Ўзнефтьгазқурилиш» сўзлари «Ўзгеобурғунефтьгазқазибчиқариш» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 11-илованинг «Шўъба акциядорлик жамиятлари» бўлими куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Шўъба акциядорлик жамиятлари:

1. «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси;

2. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси;

3. «Ўзнефтьгазмаш» акциядорлик компанияси;

4. «Ўзгеобурғунефтьгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 8 июндаги 220-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 29-модда) 4-банди иккинчи хатбошида «Ўзгеонефтьгазқазибчиқариш» сўзи «Ўзгеобурғу-нефтьгазқазибчиқариш» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 декабрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчилари ҳамда етказиб берувчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловада «Ўзгеонефтьгазқазибчиқариш» сўзи «Ўзгеобурғунефтьгазқазибчиқариш» сўзи билан алмаштирилсин.

